



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

Тошкент ш.

№ 320

«28» 07 2021 й

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
мажлиси баёни ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 27 июлдаги 31/11-51-сон топшириғи, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 июлдаги 60-сон (27.07.2021 й. 01-31/1-2743-сон) мажлиси баёнида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 27 июлдаги 31/11-51-сон топшириғи, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида” 2021 йил 26 июлдаги 60-сон (27.07.2021 й. 01-31/1-2743-сон) мажлиси баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур баён билан:

Ташкилий-ишчи гуруҳ раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган асосий байрам томошаси дастурига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича берган таклиф ва ахборотлари маълумот учун қабул қилинганлиги;

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб ўтказиладиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий-ишчи гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда – Ташкилий-ишчи гуруҳ) 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб ўтказиладиган асосий байрам тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ижодий гуруҳ таркиби (кейинги ўринларда – Ижодий гуруҳ) 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Маданият вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлашга буюртмачи этиб – “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси, бош пудратчи этиб – “Ommaviy xalq bayramlari” МЧЖни танлаш тўғрисидаги таклифи маъқулланганлиги ва бош пудратчи қонунда белгиланган тартибда фойдасини чегириб қолган ҳолда хизматларини кўрсатиши;

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган тадбирларни тайёрлаш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Республика бюджети ҳамда Тошкент



шаҳар ҳокимлигининг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тенг улашларда тақсимланган ҳолда “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ҳисоб рақамига ўтказилиши инobatга олинсин.

3. Вазир ўринбосари (У.Кўконбоев), Иқтисодий таҳлил ва молия бошқармаси (О.Юнусов), Бухгалтерия (Ф.Иргашев):

Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам томошаси Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улашларда молиялаштирилиши белгиланганлигини инobatга олиб, 2021 йил Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджети маблағлари ҳисобидан Маданият вазирлигига асосий байрам тадбирини ўтказиш учун ажратилган 1,5 млрд. сўм маблағни бўнак сифатида буюртмачи – “Ўзбекконцерт” давлат муассасасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини таъминласин;

“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси (Ж.Узаков) ушбу маблағларни байрам тадбирлари учун режалаштирилган маблағлар доирасида сарфласин;

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлаш ва ўтказиш учун ажратилган маблағларни шартнома асосида “Ommaviy xalq bayramlari” МЧЖ ҳисоб рақамига белгиланган тартибда дебит айланма харажатларини ушлаб қолган ҳолда ўтказиб берсин;

тадбир якунига кўра ҳақиқий сарф-харажатлардан келиб чиқиб, ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда вазирликка тақдим этсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси, вилоятлар маданият бошқармалари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

худудлардан жалб қилинган барча иштирокчилар, санъаткорлар, ижодий ва бадиий жамоаларни белгиланган тартибда ПЦР тест топшириш ишларини амалга ошириш;

Ижодий гуруҳ талабига мувофиқ худудлардан асосий байрам томошасига жалб этиладиган санъаткорларнинг (овқатланиш, транспорт ва меҳмонхона) харажатларини қоплаган ҳолда иштирокини таъминлаш;

худуддан жалб қилинган ижодий жамоалар учун уч жамланмадан иборат янги саҳна либослари, бош кийим, саҳна пойафзали, миллий безак, тақинчоклар (тиллақош, улама соч, зебигардон, зирак, билакузук, тумор, бўйин маржон ва бошқа) билан таъминлашда алоҳида эътибор қаратиш;

худудлардан байрам томошасига жалб қилинадиган ижодий ва бадиий жамоалар учун меҳмонхоналарга олдиндан буюртма бериш, жалб қилинадиган транспорт ва овқатлантириш харажатлари учун олдиндан шартнома тузиш ва ўрнатилган тартибда молиялаштириш ишларини амалга ошириш вазифалари топширилсин.

5. Концерт-томоша фаолиятини ривожлантириш бошқармаси (Ф.Батилов), Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси (О.Юлдашев), Ўзбекистон давлат филармонияси (З.Заиров), “Халқлар



дўстлиги” саройи (И.Гулямов), Халқаро фестиваллар дирекцияси (О.Абдуқаҳоров) **жорий йилнинг 1 августидан:**

“Халқлар дўстлиги” саройи ва “Туркистон” санъат саройини байрам иштирокчилари машғулотлари учун bepул (коммунал тўловлар бундан мустасно) ажратиш;

шунингдек, Ижодий гуруҳ талабига мувофиқ, вазирлик тизимидаги ташкилотлардаги мавжуд махсус сахна либослари, бутафория ва реквизитлар, гриммёрларни ажратиш вазифалари юклатилсин.

6. Таълим муассасалари ва соҳани методологик таъминлаш бошқармаси (С.Мадиев), Ўзбекистон давлат консерваторияси (К.Ўринбаев), Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти (И.Юлдашев), Ўзбекистон давлат хореография академияси (Ш.Тоҳтасимов) **жорий йилнинг 1 августидан:**

Ўзбекистон давлат хореография академияси талабалар турар жойидан рақс жамоалари учун шартнома асосида жой ажратсин;


байрам дастурининг мусиқий кетма-кетлигини шакллантириш учун Ўзбекистон давлат консерваторияси овоз ёзиш студиясини тегишли мутахассислари билан ажратсин;

асосий байрам тадбирининг оммавий сахналарида иштирок этиш учун Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 600 нафар талаба қизлар ҳамда Хор жамоаси учун 60 нафардан, жами 120 нафар йигит ва қиз талабаларни кунлик харажатлар ва йўл чипталари билан таъминлаган ҳолда жалб этсин.

7. Ахборот ва матбуот хизмати (Д.Худойбердиева) мазкур тадбирни ўтказиш билан боғлиқ маълумотларни вазирликнинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

8. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Ахмедов зиммасига юклансин.

Вазир



О. Назарбеков